



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT QARORI

2023-yil 17- iyul

№ 6/2

2023 йилнинг II чорагида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ўринbosарларининг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари бўйича амалга оширилган ишларни баҳолаш ҳақида

Вазирлик ҳайъат йигилиши таъкидлайдики, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ўринbosарлари томонидан вазирликнинг 2023 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ўринbosарларининг 2022 йилнинг IV чорагида фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари бўйича амалга оширилган ишларни баҳолаш ҳамда 2023 йил учун фаолияти самарадорлиги режса кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1/1-сонли ҳайъат қарори билан жорий этилган Сув хўжалиги вазири ўринbosарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларига мувофиқ жорий йилнинг II чорагида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан:

Вазирнинг биринчи ўринbosари А.Назаров томонидан фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимида белгиланган 13 та асосий мезонларнинг режа кўрсаткичларига эришишни таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида 2,5 млрд.м3 сув тежалган, 1 та йирик сув хўжалиги иншоотининг назорат-ўлчаш ускунаси ҳамда хабар бериш тизими модернизация қилинган, 866 км канал тозаланган, 611 та гидротехник иншоотлар ва 596 та гидропостлар таъмирланган, насос станцияларининг электр энергияси истеъмоли 0,092 млрд.кВт.соатга камайтирилган, 50 та насос агрегатлари алмаштирилган, 24 та насос станцияларнинг биноларига қуёш батареялари ўрнатилган, 5 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилган, сув хўжалиги обьектларига 1 954 та “Smart Water” қурилмаси ўрнатилган, 1 та йирик сув хўжалиги обьекти автоматлаштирилган, “Маъмурий ислоҳотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилган, 150 нафар ходимнинг малакаси оширилган, сув хўжалигининг маҳсус хизматлари томонидан сув истеъмолчиларга етказиб берилган сув тўғрисида 217 500 та далолатномалар расмийлаштирилган ҳамда “Ijro.gov.uz” тизимидағи мавжуд 52 та топшириқ белгиланган муддатда назоратдан чиқарилиши таъминланган.

Амалга оширилган баҳолаш рейтинги натижасига кўра, фаолиятнинг умумий самарадорлик кўрсаткичи 84,8 фоизни ташкил этган.

Вазир ўринbosари Д.Ходжиахмедов томонидан фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимида белгиланган 8 та асосий мезонларнинг режа кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш мақсадида сув таъминоти даражаси паст бўлган суфориладиган ер майдонлари 360 минг гектарга камайтирилган, ирригация тизимини модернизация қилиниши натижасида бетон қопламали каналлар улуши 9 050 км га

етказилган, 85,4 км канал ва 103,5 км коллектор қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ташкил қилинган, жорий йилда қурилиш манзилли рўйхатига киритилган мелиорация обьектларини таъмирлаш-тиклаш бўйича жами 62,6 млрд. сўм маблағлар ўзлаштирилган, 1 618 км мелиорация тармоқлари тизимли таъмирланган ва тикланган, 550 дона мелиоратив кузатув қудуқларига “Diver” қурилмалари ўрнатилган 1 та илмий-тадқиқот ишланмалари ишлаб чиқилган ҳамда “Ijro.gov.uz” тизимидағи мавжуд 30 та топшириқ белгиланган муддатда назоратдан чиқарилиши таъминланган.

Амалга оширилган баҳолаш рейтинги натижасига кўра, *фаолиятнинг умумий самарадорлик кўрсаткичи 81,9 фоизни ташкил этган*.

Вазир ўринбосари (*молиявий масалалар бўйича*) томонидан фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимида белгиланган 9 та асосий мезонларнинг режа кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш мақсадида сув хўжалиги тизим ташкилотларига ажратилган бюджет маблағлари улуши 1,09 фоиз (7,4 млрд.сўм)га камайтирилган, сув хўжалиги тизимидағи ҳодимларнинг ўртacha ойлик иш ҳақи республикадаги ўртacha ойлик иш ҳақининг 71 фоизи (2,9 млн.сўм)га етказилган, тизим ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаларига 8,3 млрд.сўм туширилган, 2 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилган, сув хўжалиги обьектларига 1 954 та “Smart Water” қурилмаси ўрнатилган, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларига 0,9 млрд.сўм йўналтирилган, республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлардаги насос станцияларнинг эскирган электродвигателларидан 1 таси янги энерго-тежамкорига алмаштирилган, насос станцияларнинг электр энергия истеъмоли харажатлари учун 342,5 млрд. сўм маблағ молиялаштирилган ҳамда “Ijro.gov.uz” тизимидағи мавжуд 13 та топшириқ белгиланган муддатда назоратдан чиқарилиши таъминланган.

Амалга оширилган баҳолаш рейтинги натижасига кўра, *фаолиятнинг умумий самарадорлик кўрсаткичи 69,7 фоизни ташкил этган*.

Вазир ўринбосари Р.Қаршиев томонидан фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимида белгиланган 11 та асосий мезонларнинг режа кўрсаткичларига эришиш бўйича 90 465 гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган, 6 та томчилатиб суғориш тизимини қуриш бўйича намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилган, 200 та суғориш тизимларини монтаж қилиш ва сервис хизмат кўрсатиш гурухлари ташкил этилган, “Tomchi-reestr” ягона электрон реестридаги 3 та пудрат корхоналарининг индикатор кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва мобил иловага жойлаштирилган, “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими асосида пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига 0,85 млрд.сўм субсидия маблағлари ажратилган, сувни тежайдиган инновацион суғориш технологияларини жорий қилиш юзасидан кадрлар малакасини ошириш бўйича сайёр ўқув курси ташкил этилган, 7 та илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилиб амалиётга жорий этилган, 2 та илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширилган ҳамда илмий асосланган услубий қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган, оммавий-ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда 26 та маълумотлар жойлаштирилган ҳамда “Ijro.gov.uz” тизимидағи мавжуд 3 та топшириқ белгиланган муддатда назоратдан чиқарилиши натижасида баҳолаш рейтинги кўрсаткичларига кўра, *фаолиятнинг умумий самарадорлик кўрсаткичи 80,7 фоизни ташкил этган*.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги 467-сонли қарорларига мувофиқ, Сув хўжалиги вазири ўринбосарлари

томонидан жорий йилнинг II чорагида фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларини танқидий таҳлил ва муҳокама қилиб чиқиб, фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилиши бўйича уларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йигилиши

Қарор қилади:

1. Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Назаров, вазир ўринбосарлари Д.Ходжиахмедов, молиявий масалалар бўйича ўринбосар (вакант) ва Р.Қаршиевларнинг 2023 йил учун фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонларининг 2023 йил II чораги режа кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш бўйича ҳисоботлари **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров ҳамда вазир ўринбосарлари Д.Ходжиахмедов, молиявий масалалар бўйича ўринбосар (вакант) ва Р.Қаршиевларга 2023 йилнинг II чораги давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириклари бажарилишининг назоратини юритувчи “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидағи назоратда бўлган ҳужжатлар ижроси бўйича талабчанликни сусайтириб юборилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарори билан тасдиқланган “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8 ва 9-бандлари талабларига мувофиқ амалга оширилган баҳолаш рейтинги натижаларига кўра 2023 йил II чораги якунлари бўйича:

Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаровнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолаш 13 та асосий мезонларда белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 84,8 фоизни;

Вазир ўринбосари Д.Ходжиахмедовнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолаш 8 та асосий мезонларда белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 81,9 фоизни;

Вазир ўринбосарининг (молиявий масалалари бўйича) фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолаш 9 та асосий мезонларда белгиланган режа кўрсаткичларининг ижроси бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 69,7 фоизни;

Вазир ўринбосари Р.Қаршиевнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолаш 11 та асосий мезонларда белгиланган режа кўрсаткичларининг ижроси бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 80,7 фоизни ташкил этганлиги инобатга олинсин.

Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров, вазир ўринбосарлари Д.Ходжиахмедов ва Р.Қаршиевларнинг фаолият кўрсаткичлари “**қониқарли**” ҳамда вазирнинг молиявий масалалар бўйича ўринбосарининг фаолият кўрсаткичлари “**қониқарсиз**” деб баҳолансин.

4. Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Назаров, вазир ўринбосарлари Д.Ходжиахмедов, молиявий масалалар бўйича ўринбосар (вакант) ва Р.Қаршиевлар:

2023 йил учун фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонларининг жорий йил III чораги режа кўрсаткичлари ижросини таъминлаш чораларини кўрсин;

белгилансинки, ҳисобот даврида фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари режа кўрсаткичларини баҳолаш рейтинги натижаларига кўра, фаолият самарадорлиги қониқарсиз деб топилган тақдирда вазир ўринбосарининг масъулияти юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

5. Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Назаров, вазир ўринбосарлари Д.Ходжиахмедов, молиявий масалалар бўйича ўринбосар (вакант) ва Р.Қаршиев, Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи М.Ибрагимовга:

2023 йил учун тасдиқланган фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари режа кўрсаткичларининг ҳисобот даври (чораклик) якуни бўйича натижаларни (маълумот ва таҳлилий материалларни) **ҳар чорак якуни бўйича, кейинги ойнинг 3 санасига қадар** ҳайъат йиғилиши муҳокамасига киритиб борилишини таъминлаш;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5 санасига қадар вазирлик ҳайъат йиғилишида вазир ўринбосарларининг фаолият самарадорлиги кўрсаткичларининг натижалари бўйича таҳлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (М.Ибрагимов) ҳамда Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (Х.Лапасов) икки кун муддатда вазир ўринбосарларининг 2023 йил II чораги фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

7. Ахборот хизмати (Ш.Суюнов) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири ўринбосарларининг 2023 йилнинг II чораги фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида **икки кун муддат ичида** оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, теле ва радиоканаллар орқали ахборот берилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ҳайъат раиси

Ш. Хамраев

